

## **ТИА(ТЕХНИК-ИҚТІСОДИЙ АСОСЛАНТИРИШ)НИНГ ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИ**

**Техник – иқтисодий асослантириш (ТИА)-** яратилаётган инвестиция лойиҳани иқтисодий фойдалигининг ўрганилиши, иқтисодий кўрсатгичларининг тахлили ва ҳисоб-китобидир.

**Лойиҳа мақсади** сифатида техник обьектнинг яратлиши ёки мавжуд бинонинг қурилиши ёхуд қайта тикланиши хизмат қилиши мумкин.

**ТИАни тўзишда асосий вазифа** бўлиб инвестиция лойиҳани амалга ошириш учун талаб қилинадиган сарфланишлар ва унинг натижаларини баҳолаш, ҳамда лойиҳа ўзини – ўзи қоплаб бериш муддатини тахлил қилиш хисобланади.

### **ТИА ни ТУЗИШГА ҚУЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

ТИА ни тузишда қисмларнинг қуйидаги кетма-кетлигига рухсат берилади:

1. Умумий малумотлар ва шартлар.
- 1.2. Лойиҳа оператори ҳақида маълумотлар.
- 1.3. Лойиҳанинг бошқа иштироқчилари.
- 1.4. Лойиҳанинг қиймати, тузилиши ва молиялаштирилиши манбалари.
2. Тижорат қисм.
  - 2.1. Маҳсулот бозорининг тадқиқоти.
  - 2.2. Маркетинг стратегиси.
  - 2.3. Маҳсулот (хизмат) ларни ўтказиш бўйича маркетинг чора-тадбирлар.
  - 2.4. Маҳсулотларни ўтказиш дастури.
  - 2.5. Хомашё, материаллар ва жамловчи ашёлар бозорининг тадқиқоти.
  - 2.6. Лойиҳанинг шартномалар жиҳатидан ишлаб чиқилганлиги.
3. Техник қисм ва лойиҳа бўйича харидлар.
  - 3.1. Лойиҳа жойлашган жойини танлашнинг асослантирилиши
    - 3.1.1. Лойиҳани жойлаштириш жойи.
    - 3.1.2. Ишлаб чиқариш майдончаси.
    - 3.1.3. Инфра тузилманинг таъминоти.
  - 3.2. Технологиянинг таърифи.
    - 3.2.1. Мавжуд технологияларнинг тахлили.
    - 3.2.2. Танлаб олинган таҳнологиялар.
  - 3.3. Жиҳозларнинг таърифи.
    - 3.3.1. Жиҳозларинг танланиши.
    - 3.3.2. Танлаб олинган жиҳозлар.
  - 3.4. Корхонада сифат тизими ва лойиҳанинг патент тозалиги.
  - 3.5. Ишлаб чиқариш обьектларнинг қурилиши.
    - 3.5.1. МАвжуд ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар, мухандислик коммуникациялари.
    - 3.5.2. Янги обьектларнинг қурилиши.

- 3.6. Корхонанинг техник ходимлари.
  - 3.7. Лойиҳа буйича харид қилинадиган нарсаларнинг рўйхати.
  - 3.8. Харид қилиш услубларнинг танланиши.
  - 3.9. Лойиҳа бўйича етказиб берувчиларнинг танланиши.
  - 3.10. Тахмин қилинадиган етказиб берувчилар ҳақидаги маълумотлар.
  - 3.11. рамийлаштирилган/тайёрланган битимлар ҳақидаги маълумотлар.
  - 3.12. Лойиҳа бўйича ҳаридларнинг мазмуни.
  - 3.13. Қарз олувчининг харидлар билан шуғулланадиган бўлинмалари.
  - 3.14. Харидларнинг режа-жадвали.
4. Эқологик қисм.
    - 4.1. Лойиҳанинг атроф муҳитга қўсатадиган таъсири ва заарли таъсирни камайтиришга қаратилган тадбирлар режаси.
    - 4.2. Лойиҳа технологк жараёнининг, атроф муҳитга кўрсатиладиган таъсир бўйича ҳалқаро стандарт ва меъёrlарига мувофиқлиги.
  5. Институционал қисм
    - 5.1. Лойиҳа архитектураси.
    - 5.2. Лойиҳа операторининг тавсифномаси.
    - 5.3. Чет эл ва маҳаллий хамкорларнинг тавсифономаси.
    - 5.4. Минтаканинг ижтимоий-маданий ва демографиқ вазиятнинг тавсифномаси.
    - 5.5. Лойиҳанинг меҳнат ресурсларига муҳтоjлиги.
    - 5.6. Малака оширш, таълим ва ҳоказо.
  6. МОлиявий фисм.
    - 6.1. Ишлаб чиқариш, умумий ва маъмурий ҳаражатлар.
    - 6.2. Киримлар.
    - 6.3. Молиявий мажбуриятлар.
    - 6.4. Пўл маблағларнинг оқимлари.
    - 6.5. Лойиҳа самарадолигининг кўрсатгичлари.
  7. Ижтимоий-иқтисодий қисм.
    - 7.1. Лойиҳани амалга оширишдан фодалар.
    - 7.2. Иқтисодий ҳаражат ва фойдаларни таққослаш.
  8. Лойиҳа таваккалчиликлари.
    - 8.1. Тижорат таваккалчиликлар.
    - 8.2. Техник таваккалчиликлар.
    - 8.3. ЛОийиҳанинг харидлар буйича таваккалчиликлари.
    - 8.4. Молиявий таваккалчиликлар.
    - 8.5. Институционал таваккалчиликлар.
  9. Таваккалчиликларни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар.
- Илова. Техник-иқтисодий асослантиришнинг тузилиши ва мазмунига қўйиладиган талаблар.

## НАМУНАВИЙ ШАКЛ

1. Умумий маълумотлар ва шартлар.  
лойиҳа мақсади ва соҳавий тегишлиги;  
маҳсулот/хизматларнинг рўйхати (натурал ифодалашда);  
молиялаштиришнинг сўралаётган шартлари.

#### 1.2. Лойиҳа оператор ҳақидаги маълумотлар

юридик шаҳснинг номи, манзили, рўйхатга олинганилиги;  
корхона тъисисчилари ва раҳбарлари ҳақидги маълумотлар;  
корхонанинг қисқача тарихи.

#### 1.3. Лойиҳанинг бошқа иштироқчилари.

жадвал шаклида: инвесторлар; жиҳозларни етказиб берувчилар; пудрат ташкилотлари; маслахатчилар; хомашё асосий турларини етказиб берувчилар; маҳсулот / хизматларнинг асосий харидорлари;  
молиялаштирувчи ташкилотларнинг номи, юридик макоми, манзили, иштироқ шакли, қисқача тавсифномаси:.

1.4. Лойиҳанинг қиймати, тузилиши ва молиялаштирилиши манбалари.  
лойиҳа бўйича маҳаллий ва чет эл валютадаги инвестиция харажатларнинг сметаси (ЛСХ, СМР, жиҳозлар, транспртлаш, божхона расмийлаштирувлари, сертификатлаш ва сақланиш билан боғлиқ харажатлар, айланма капитал ва бошқалар);  
Лойиҳанинг, тузилиши ва молиялаштирилиши манбалари (қарза олинган/ ўзининг маблағлари).

## 2. Тижорат қисм.

### 2.1. Маҳсулот бозорининг тадқиқоти.

маҳсулотлар/хизматларнинг рўйхати, тавсифомалари;  
маҳсулотга мавжуд талабнинг баҳоланиши (асосий истъемолчилар, истъемол ҳажмлари, нарҳ билан сифатнинг нисбати);  
бозордаги мавжуд таклифнинг баҳоланиши (асосий ишлаб чиқарувчилар, ишлаб чиқариш ҳажмлари, сифат, нарҳлар, бозор улушлари);  
талаб, таклиф, рақобат даражасининг кутилаётган ўзгаришлари;  
ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар/ хизматлар нарҳларининг кутилаётган ўзгаришлари;  
маҳсулот/хизматларни ўтазиш бозорларига чиқищдаги мавжуд ва кутилаётган божхона, солиқ ва бошқа ички тўсиклар;

маҳсулотларни етказиб бериш ва улар бўйича тўловлар бўйича бозор шартлари ва муддатлари.

## **2.2. Маркетинг стратегияси.**

лойиҳанинг кучли ва бўш томонларнинг стратегик тахлили, лойиҳа имкониятлари ва юзага келиши мумкин бўлган хавфларини баҳолаш; лойиҳанинг стратегик мақсадларини белгилаш; лойиҳа стратегиясининг географиқ жиҳатини белгилаш; маркетинг стратегияларни танлаш (харажатлар бўйича пешқадамлик, бозор бушлигида характеристарни дифференциялаш ва кучайтириш, чизик маҳсулотларини диверсификациялаш ва янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва хоказо); маҳсулотларни позициялаш, шу жумладан мақсадли бозорларни аниқлаш ва маҳсулотларнинг хаёт циклини режалаштириш, рақобатли кураш тактикасини ишлаб чиқиш.

## **2.3. Маҳсулот (хизмат) ларни ўтказиш бўйича маркетинг чора-тадбирлар.**

маҳсулотларни бошқариш, шу жумладан маҳсулотлар тўплами ассортиментини, маҳсулотлар сифатига, маҳсулотларнинг дизайнни ва ўралишига/солинишига, йўловчи хизматларга, техник хизматқўрсатилишига қўйиладиган талабларни белгилаш; нарҳларни бошқариш, шу жумладан, маҳсулотлар нарҳларининг шакллантирилиши, чегирмалар ва тўлов шартлари тизимнинг ишлаб чиқилиши; тарғиботни бошқариш, шу жумладан реклама ва PR компанияларнинг ишлаб чиқилиши, сотишларни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар, савдо белгиси га нисбатан сиёsat, ҳар йил маркетинг чора-тадбирларга бюджетнинг белгиланиши; ўтказиши бошқариш, шу жумладан ўтказиш тизимишнинг ишлаб чиқилиши (улгуржи савдо тармоқлари, чакана савдо тармоқлари, тўғридан- тўғри сотувлар), ўтказиш тармоғининг зичлигининг белгиланиши, савдо заҳираларининг белгиланиши, транспортнинг режалаштирилиши.

## **2.4. Маҳсулотларни (хизматларни) ўтказиш дастури.**

номинал ва ҳақиқий ишлаб чиқариш қувват; шлаб чиқариш циклнинг таърифи (харидорга хом ашё, товар партиясини етказиб бериш бўйича буюртманома жойлаштирилгандан эътиборан вақт босқичлари ва сарфи); маҳсулотларни (хизматларни) ўтказиш дастури (натурал ифодалашда реализациянинг режалаштирилладиган ҳажмлари йилар бўйича, реализация нарҳлари, мамлакатлар кесимида экспортнинг улуши).

## **2.5. Хом ашё, материаллар ва жамловчи ашёлар бозорининг тадқиқоти.**

Хом ашё, материаллар ва жамловчи ашёларинг рўйхати, таръифи;

Хом ашё, материаллар ва жамловчи ашёлардан фойдаланиш имконияти (ишлаб чиқарувчи/ етказиб берувчидаги рухсат берувчи ҳужжатларнинг мавжудлиги, захираларнинг етарлиги, қайта ишлаш жойидан узоқлиги, мавжуд божхона, солик ва бошқа тўсиқлар);

Бозордаги мавжуд таклифни баҳолаш (асосий ишлаб чиқарувчилар, ишлаб чиқаришнинг ҳажмлари, сифат, нарҳлар, қайта ишлаш жойидан узоқлиги);

Бозордаги мавжуд талабни баҳолаш (асосий истъмолчилар, истъемол ҳажмлари);

Хом ашё, материал ва жамловчи ашёлар бозорида талаб ва таклифнинг кутилаётган ўзгаришлари;

Хом ашё, материал ва жамловчи ашёлар нарҳлари даражасининг кутилаётган узгаришлари;

хом ашё, материал ва жамловчи ашёларни етказиш буйича бозорда амалда бўлган шартлар ва муддатлар, улар буйича тўловлар;

ло ича буйича таъмино дастури (йиллар буйича режалаштирилаётган ҳажмлар ( натурал ифодалашда) ва харид нарҳлари).

## **2.6. Лойиҳанинг шартномалар жиҳатидан ишлаб чиқилганлиги.**

Лойиҳанинг хом ашё, материаллар ва жамловч ашёларни харид қилиш буйича шартномалар билан таъминланганлиги (етказиб берувчилар рўйхати, суммалар, нарҳлар, ҳажмлар, етказиб беришлар ва тўловларнинг шартлари ва муддатлари -жадвал кўринишида);

Хом ашё ва материалларнинг тайёр маҳсулот бирлигига нисбатан хақиқий/режалаштирилаётган нисбати ҳакидаги маълумотлар.

## **3. Техник қисм ва лойиҳа буйича харидлар.**

### **3.1. Лойиҳа жойлашган жойини танлашнинг асослантирилиши**

3.1.1. Лойиҳани жойлаштириш жойи.

Лойиҳа жойлашган жойини танлашнинг асослантирилиши ҳамда лойиҳа жойини танлашда ҳал қилувчи энг муҳим омилларнинг таърифи;

Лойиҳани амалга ошириш учун зарур транспорт алоқалар, муҳандислик тармоқлар () бўш турган ва нарҳ буйича қулай ер майдонлар, ишлаб чиқариш майдонларнинг мавжудлиги / йўқлиги.

3.1.2. Ишлаб чиқариш майдончаси.

Манзил- лойиҳанинг хақиқий жойланиши;

Ишлаб чиқариш майдончасининг яқин ахоли пункталрига нисбатан жойлашуви, майдончадан ташқаридаги тармоқ ва коммуникациялар, транспорт инфра тузилма и лойиҳада қўланилган бошқа обьектлар кўрсатилган режа-схемаси;

Мавжуд ва қурилиши мулжалланаётган блок/модуллар, ишлаб чиқариш ва ёрдамичи бинолар, иншоат ва хоналар, омборхоналар (мулжалланиши кўрсатилган ҳолда)нинг жойлаштирилиши кўрсатилган, лойиҳани амалга оширилиши режалаштирилаётган майдонча (лар) худудларининг экспликацияси билан ситуация режаси;

Лойиҳанинг амлга оширилиши режалаштирилаётган ер майдонининг мулқдорлари ҳақидаги маълумотлар;

Маҳаллий ваколатли идораларнинг ер майдонидан обьект қурилиши учун фойдаланишга берилган рухсати.

### 3.1.3. Инфра тузилманинг таъминоти.

Ишлаб чиқариш майдони инфратузулмасининг батафсил таърифланиши, шу жумладан, электртаъминот, иссиқлик таъминоти, канализация, газ таъминоти, сув таъминоти ва бошқалар;

Танлаб олинган ишлаб чиқариш майдончасининг лойиха эҳтиёжларига мувофиқлигининг тасдиқланиши;

Лойиха жойи танланганда транспорт инфратузилманинг батафсил таърифи; Хом ашёни ишлаб чиқариш майдончасига ва хом ашёни сақлаш жойигача етказиш усули, хом ашёни бевосита технологик жиҳозларгача етказиш, шунингдек тайёр маҳсулотни транспорглаш ва сақлаш усулининг таърифи.

## 3.2. Технологиянинг таърифи.

### 3.2.1. Мавжуд технологияларнинг тахлили.

Лойиҳа маҳсулотлари (хизматлари) доирасида кўрсатилган, амалда қўлланилаётган, ишлаб чиқариш технологиялар вариантларининг таръифи; Амалга оширилиаётган лойиҳа учун айни шу технологияларни танлаш учун асос бўлган мезонлар ва бошқа варинтларнинг рад этилиши кўрсатилган ҳолда, маҳсулот/ хизматларни ишлаб чиқарishни мавжуд вариантларининг асосий афзалликлари ва камчиликларининг қиёсий тахлили.

### 3.2.2. Танлаб олинган таҳнологиялар.

Ҳар бир босқич учун фойдаланиладиган жиҳозлар, истъмол қилинадиган ресурс ва хом ашё, жалб қилинадиган ходимлар, босқичнинг давомийлиги ва олинаётган маҳсулотлар кўрсатилган, схема шаклдаги технологик жараён; Технологик жараённинг муалифи (ишлаб чиқучиси) ҳақидаги маълумотлар (лицензия, тажрибанинг мавжудлиги, замонавийлик учун жавобгарлиги, бўғинларнинг ўзаро мослиги);

Маҳсулот (хизматлар)нинг танлаб олинган технологик жараёнининг умумий босқичма-боскич таърифланиши;

Танлаб олинган технологиядан фойдаланишда зарур бўлган, ваколатли давлат идоралари ва ташкилотлари, ҳокимликлар, ҳалқаро эксперт

ташкілттар ва бошқа ташкілттар томонидан бериладиган сертификат, рұксатнома, келишувлар, эксперт холосалари ва бошқа хұжатларнинг зарурлиги ҳамда мазкур модда бүйича режалаштирилаётган харажатлар.

### **3.3. Жиҳозларнинг таърифи.**

#### **3.3.1. Жиҳозларнинг танланиши.**

Махсулот/хизматтарни ишлаб чиқаришнинг танланған технологиясини жорий қилиш учун ишлаб чиқариш мажмуалар/ технологик участкаларни жиҳозлар билан жамлашнинг әхтимолий варианты;

Лойиҳада құлланиладиган жиҳозларни танлаш учун асос бүлгап мезонлар ва бошқа вариантыннан рад этилиши күрсатилған ҳолда, жиҳозлар гурухлари ҳар бир вариантыннан асосий афзалліктери ва қауицелерининг қиёсий таҳлили.

#### **3.3.2. Танлаб олинған жиҳозлар.**

Корхонанинг жиҳозларда бүлгап хисобланға әхтиёжи ва унинг хисобланған қиймати;

Асосий техник тасифлари күрсатылған ҳолда, лойиҳада құлланиладиган жиҳоз, асоб-ускуналар, ишчиларнинг асоб-қуроллари, әхтиёт қисмлари ва бошқаларнинг рўхати ва қисқача таърифи;

Электр ва иссиқлик энергия, сўв истъемолининг режалаштирилаётган ҳажмлари, жиҳозлар томонидан умуман ва жиҳозлар гурухлари бүйича алоҳида, итъемол қилинадиган канализация ва тозалаш иншоатларнинг қувватлари, газ ва бошқа ресурсларга бүлгап әхиёжларии;

Лойиҳага жалб қилинған барча жиҳозлар бүйича жорий таъмирлаш, созлаш, техник хизмат күрсатилиш ишларнинг даврийлиги ва нарҳи;

Ваколатли ташкілттарда (Давгеоконтехнозорат, энергоназорат ва ҳоказо) рўйхатдан ўтиши учун қушимча синовлар ўтказилишини талаб қиладиган жиҳозларнинг рўхати;

Лойиҳада фойдаланишда бүлгап жиҳозлар құлланилғанда, ахборот акс эттирилиши лозим:

Лойиҳада фойдаланиладиган жиҳознинг келиб чиқиши ҳавида ва ундан фойланғанликнинг тарихини;

Мазкур жиҳоз лойиҳа дари мобайнида ишлаб бериш қобилиятига эга эканлигининг хұжат билан тасдиқланиши (хисобот, холоса, мустакил, ваколатли эксперт компаниянинг куриб чиқиш далолатномалари).

### **3.4. Корхонада сифат тизими ва лойиҳанинг патент тозалиги.**

Масулот сифатини таъминлаш бүйича ниятлар ва унинг яхшиланиши бүйича режалаштирилаётган тадбирлар, шу жумладан масулот сифатининг хом

ашёга, ишлаб чиқаришнинг қўлланиладиган технологияларига ва бошқа омилларга боғлиқлигини кўрсатиб ўтиш зарур;

Ишлаб чиқарилаётган махсулот мулжалланаётган бутун ассортиментининг сифат хусусиятлари;

Танланган технология ва жихозлар бўйича қисқача маълумот, жумладан танланган технология ва жихозлар учинчи шаҳсларнинг муаллифлик ҳуқуқларига тегинадими йуқми, бундай вазиятнинг пайдо бўлиши эҳтимолини олдини олиш учун қандай чоралар кўрилмоқда;

Айни вақтда ёки келгусида, лойиҳа учун танлаб олинган технологик жараёнга нисбатан мулкчилик ҳуқуқини берувчи битимларни (шартнома, меморандум, баённома ва ошқалар) кўрсатган ҳолда, аризачи эга бўлган ёки олиниши зарур патент, лицензия руҳсатнома ва бошқалар, шунингдек улар бўйича режалаштирилаётган харажатлар.

### **3.5. Ишлаб чиқариш объектларнинг қурилиши.**

Лойиҳада ишга солинадиган, шу жумладан қурилиши ва/ ёки қайта тикланиши лозим бўлган объектларнинг рўйхати (бинолар, иншоатлар, транспорт ва мухандислик коммуникациялари, технологик объектлар ва бошқалар);

Талаб қилинадига ишлаб чиқариш ва ёрдамчи майдончаларнинг сони; Режалаштирилаётган лойиҳа-кидирув, қурилиш-монтаж ва ишга тушуриш-созлаш ишларининг таркиби (кattалштирган кўрсатгичлар бўйича, режалаштирилаётган харажатларни кўрсатган ҳолда);

Ваколатли ташкилот томонидан тайёрланган катталаштирилган кўрсатгичлар бўйича бажарилган, қурилиш қийматининг асослаб берилиши.

#### **3.5.1. Мавжуд ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар, мухандислик коммуникациялари.**

Текшириш актлари (куриб чиқиш актлари, нуқсонар далолатномаси ва бошқалар) илова қилинган ҳолда мавжуд бино, иншоат, мухандислик коммуникациялар ва бошқаларни аҳволининг таърифи;

Мавжуд объектлардан лойиҳада фойдаланиш учун амалга оширилиши зарур бўлган ишларнинг (кайта тиклаш, таъмирлаш ишлари ва бошқалар) таркиби ва таърифланиши.

#### **3.5.2. Янги объектларнинг қурилиши.**

Қурилиш майдончасининг таърифи;

Қурилиш майдони худудининг мухандислик тайёргарлиги, қурилиш ишларини амлаг ошириш технологияси, жихозлар, мухандислик таъминоти, фойдаланадиган материаллар ва конструкциялар, объектнинг жихозланиши бўйича мавжуд талаблар;

Архитектура-режала топширигининг мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар;

Лойиҳа хужжатларнинг тайёрлик даражсининг таърифланиши, лойиҳа-смета хужжатлари мавжуд бўлган тақдирда, улар бўйича расмий эксперт хulosани акс эттириш лозим;

Лойиҳа бўйича қурилиш-монтаж ишларни амалга ошириш учун рухсатноманинг мажудлиги ҳақидаги маълумотлар;

Ўз.Р. нинг архитектура ва қурилиш соҳасидаги қонунчилик талабларига мувофиқ, лойиҳа бўйича архитектура-қурилиш экспертизасини амалга оширувчи компаниясини танлашга оид маълумотлар.

### **3.6. Корхонанинг техник ходимлари.**

Лойиҳани амалга оширишда, ташкил этиш ва фойдаланиш босқичларда жалб қилиниши лозим бўлган мутаҳассисларнинг талб этиладишаг таркиби ва уларнинг малака даражаси ҳақидаги маълумотлар. Лойиҳани амлга ошириш учун жалб қилинадиган менеджмент ва техник ходимларнинг мавжуд таркиби ва малка даражаси ҳақидаги маълумотлар;

Буюртмачининг мавжуд техник хизматлари ва булимлари ҳақидаги маълумотлар, ҳар бир техник хизмат ва булим (мухандислар хизмати, қурилиш бўйича муҳандислар хизмати, энергетиклар хизмати, меҳниклар хизмати, технологлар хизмати ва бошқалар) бўйича мутахассисларнинг сони ва малакаси ҳақидаги маълумотлар;

Буюртмачининг штатида техник ходмлар мавжуд бўлмаганда, табирлар орқали талаб қилинадиган малака даражасига эга бўлган ходимларни жалб қилиниши режалаштирилаётган табирларнинг таърифини тақдим этиш лозим. Ишлаб чиқаришнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда (юқори технологияли хусусиятлар ва бошқа) мазкур масала бўйича мавжуд ишланмаларни таърилаб бериш лозим;

Ходимларни тайёрлаш ва уқитиш бўйича режалаштирилаётган тадбирлар.

### **3.7. Лойиҳа бўйича харид қилинадиган нарсаларнинг рўйхати.**

Харажатларнинг асосий тоифалар бўйича харидларнинг батафсил рўйхати: товарлар, ишлар, хизматлар.

### **3.8. Ҳарид қилиш услубларнинг танланиши.**

Ҳаридлар услубини танлаб олинишининг таърифи – очик танлов савдолари, ёпик танлов савдолари, таклиф қилинаётган нарҳларни сўриштириш, битта манбадан ҳарид қилиниш, ҳаридлар бўйича агентлар орқали ҳаридлар, савдо биржалари орқали ҳаридлар ёки бошқалар (ҳаридлар битта манбадан амалга ошириладиган тақдирда янада тўлароқ таърифлаб берилиши лозим);

Ҳариларни амалга ошириш тартибининг таърифи;

Буюртмачи томонидан потенциал етказиб беручилар танлов асосида танлаб олинаётганда, қуйидаги маълумотлар акс этирилиши шарт:

- 1) танлов утказилиши ҳақидаги эълоннинг матни, уни эълон қилиш режалаштирилаётган вақти ва жойи;
- 2) харидлар бўйича танлов утказилиши ҳақида эълонлар чоп этилган ахборот материалларнинг нусхалари;
- 3) танлов ҳужжатларида, харид қилинадиган товарлар бўйича етарли маълумотларнинг мавжудлиги;
- 4) потенциал етказиб берувчиларга қуиладиган талблар;
- 5) танлов ҳужжатларни тақдим этиш муддатлари;
- 6) потенциал етказиб берувчиларни танлаб олиш мезонлари;
- 7) потенциал етказиб берувчилар ва танлов ташкилотчилари ўртасидаги ёзишмалар, саволар ва жавоблар;
- 8) танлов утказлиши тартибининг очиқлиги;
- 9) келиб тушган тижорат ва техник тақлифларнинг таърифланиши;
- 10) қабул қилинмаган ва рад этилган тақлифларнинг таърифи;
- 11) етказиб берувчи танлаб олинганинг асослантирилиши;
- 12) танлов натижалари;
- 13) танлов натижалари ҳақида хабар бериш;
- 14) шартнома тузилиши, муддатларҳужжатлар, шартлар;
- 15) умумий хулосалар.

### **3.9. Лойиҳа бўйича етказиб берувчиларнинг танланиши.**

Жиҳозлар, товарлар етказиб берувчиларини, ишларни бажариж, хизматларни кўрсатиш буйича пудрадчиларни танлаб олишда асос бўлган принцип ва мезонларнинг таърифи;

Харидларнинг ҳар бир тури бўйича (тижорат тақлифлар, бозорларни ўрганишнинг натижалари, птенциал етказиб берувчиларнинг қиёсий тавсифлари, уларни танлаш мезонлари, танлов ҳужжатлари ва бошқалар) мумкин бўлган етказиб берувчиларнинг тавсифномалари юзасидан утказилган қиёсий тахлил бўйича маълумотлар (ахборот материаллари).

### **3.10. Тахмин қилинадиган етказиб берувчилар ҳақидаги маълумотлар.**

Компания номи, фаолият юритиш соқаси;

Воситачи, вакил, махсулотнинг бевосита ишлаб чиқарувчиси;

Алоқага чиқувчи шаҳс ва унинг лавозими;

Манзил, телефон, факс, электрон почта;

Ташкил этилиш санаси, рўйхатта олинган давлат;

Ишчилар сони- доимий, вақтинча;

Етказиб берилаётган товарлар ва хизматлар;

Қўлланиладиган стандартлар;

Асосий харидорлари;

Компаниянинг, буюртмачига кўрсатилаётган хизматлар соҳасида иш тажрибаси;

Тавсиялар, ташкилот ҳақидабилдирилган фикрлар, рецензиялар ва ҳоқазо; Лицензиялар, сертификатлар ва бошқалар.

### **3.11. Рамийлаштирилган/тайёрланган битимлар ҳақидаги маълумотлар.**

Юкорида келтирилган харидларнинг рўйхатига мувофиқ, харидларнинг бутун суммасига тузилган ёки тайёрланган битимлар нусхаларини тақдим этиш (шартнома, контракт, баённомалар ва ҳоқазо).

### **3.12. Лойиҳа бўйича ҳаридларнинг мазмуни.**

Худудда ишлаб чиқилган товарладан ҳамда хизматлардан фойдаланиш масалаларини қўриб чиқиш. Маҳаллий ишлаб чиқарилган аналоглар мавжуд бўлганда чет элда ишлаб чиқилган товарлардан фойдаланишни асослаб бериш.

### **3.13. Қарз олувчининг ҳаридлар билан шуғулланадиган бўлинмалари.**

Ҳаридлар амалга оширилган ёки келгусида амалга ошириладиган тартибларнинг қиқача таърифланиши, таъминотнинг ташкил этилиши, етказиб берувчилар, пудрадчилар ва бошқаларнинг танланиши, шунингдек ҳаридлар билан шуғулланувчи бўлинмаларнинг таърифланиши, ходимларнинг малакаси ва сони;

Бош пудратчи билан контракт “тайёр ҳолда” топшириш шарти билан тўзилган тақдирда, бош пудратчи бўлинмасининг худди шундай таърифлаб берилиши, лойиҳа бўйича харид қилиш тартибини ташкиллаштириш учун керакли моддий ва меҳнат ресурсларнинг мавжудлиги.

### **3.14. Ҳаридларнинг режа-жадвали.**

Лойиҳа олди ишлар ва рухсат берувчи ҳужжатлар;

Лойиҳалаштириш;

Қурилиш-монтаж ишларнинг утказилиши;

Жиҳозларни харид ва монтаж қилиш;

Ишга тушириш-созлаш ишлари;

Фойдаланишга тушуриш;

### **Изоҳ:**

1. Лойиҳанинг инвестиция фазасининг режаси лойиҳанинг инвестиция фазасининг бутун давомийлиги бўйича ҳар ойлаб и тўлдирилади
2. Лойиҳа инвестицион фазасининг режасида “Ишларнинг номи” деган сатрларда, ишларни ўтказиш ойларига тегишли катакларда, лойиҳа доирасида ўтказилиши режалаштирилган ишларнинг мудатларини, шунингдек мазкур ишларни бажариш учун қарзга олинган маблағларни ўзлаштирилиши режалаштирилган суммаларни кўрсатиш.

3. “ЖАМИ” деган сатрда, лойиҳанинг амалга оширилишига йўлланадиган инвестиция маблағларниң ўзлаштирилиши режалаштирилаётган якуний суммалар ойлар бўйича ёзилади.

#### **4. Эқологик қисм.**

##### **4.1. Лойиҳанинг атроф муҳитга кўсатадиган таъсири ва заарли таъсирни камайтиришга қаратилган тадбирлар режаси.**

Атроф муҳитга заарли таъсирни, тахмин килинаётган барча оқибатларниң таърифланиши ва қисқача баёни;

Хар бир тадбирни техник жихатларининг, шу жумладан ушбу тадбир қарши қаратилаётганган салбий оқибатнинг таърифланиши;

Лойиҳа доирасида табиатни муҳофаза қилишга қаратилаган тадбирларни амалга ошириш жадвали;

Давлат экологик экспертизанинг атроф муҳитга қўрсатилаётган таъсирниң баҳоланиши бўйича хулосаси;

Салбий таъсирни чеклаш бўйича тадбирларниң амалга оширилиши билан боғлик бўлган, бирламчи ҳамда жорий ҳаражатларниң тахминий сметаларини ва молиялаш манбаларниң рўйхатини лойиҳанинг умумий қийматига кўшилиши.

##### **4.2. Лойиҳа технологк жараёнининг, атроф муҳитга қўрсатиладиган таъсир бўйича ҳалқаро стандарт ва меъёрларига мувофиқлиги.**

#### **5. Институционал қисм**

##### **5.1. Лойиҳа архитектураси.**

Лойиҳа иштироқчиларниң ўзаро характалари схемаси.

##### **5.2. Лойиҳа операторининг тавсифномаси.**

Ташкилот тузилиши;

Ходимлар штати;

Бошқарув тажрибаси;

Лойиҳаларни амалга ошириш тажрибаси;

Тавсиялар.

##### **5.3. Чет эл ва маҳаллий хамкорларниң тавсифономаси.**

Бошқарув тажрибаси;

Лойиҳаларни амалга ошириш тажрибаси;

Тавсиялар фирма фаолияти бўйича йиллик ҳисобот.

## **5.4. Минтаканинг ижтимоий-маданий ва демографиқ вазиятнинг тавсифномаси.**

## **5.5. Лойиҳанинг меҳнат ресурсларига муҳтожлиги.**

## **5.6. Малака оширш, таълим ва ҳоказо.**

### **6. Молиявий қисм.**

#### **6.1. Ишлаб чиқариш, умумий ва маъмурий ҳаражатлар.**

Натурал ва пўл билан ифодалаб, лойиҳа бўйича ҳаражатларни йиллар бўйича ажратиб кўрсатган ҳолда, корхонанинг бутун фаолияти бўйича жами ҳаражаларнинг батафсил прогози;

Хом ашё, материал ва жамловчи материаллар меъёрларини натурал кўринишда ифодалаган ҳолда, ишлаб чиқариладиган махсулот бирлиги таннархининг пўл билан ифодаланадиган калькуляцияси;

ўзлуксиз ишлаб чиқариш фаолиятн таъминлаш учун хом ашё, материаллар, жамловчи ашёларнинг эҳтиёт қисмлари ва бошқа ресурслар зарур ҳажмининг натурал ва пўл кўринишда ифодаланадиган батафсил ҳисоб-китоби, корхонанинг режалаштирилаётган давр учун айланма капиталга бўлган эҳтиёжлари.

#### **6.2. Киримлар.**

Лойиҳа сотишларини натурал ҳолатда ва пўлда ифодалаб йилар бўйича ажратган ҳолда корхонанинг бутун фаолияти бўйича сотишлар режаси (ёки иккиласми фаолиятнинг сотишлари сифатида корхонанинг лойиҳадан ташқари киримларини акс эттириш).

#### **6.3. Молиявий мажбуриятлар.**

Корхона молиявий мажбуриятларининг рўйхати, шу жумладан қайтариб берилиши лозим бўлган молийвий ёрдам, кредитлар, облигациялар, **БВУ** кафолатлари (қуидагилар кўрсатилсин : кредитор номи, шартома тузилишининг раками ва санаси, ўзлаштирилиш бошланишининг санаси, заем суммаси, ссуда каррздорлигининг қолдиғи, заем муддати, мукофотнинг йиллик миқдори, тўловлар даврийлиги, муддатни ўтказиб юборилиш ҳолатларининг авжудлиги);

Асосий қарз ва мукофот бўйича мавжуд қарздорликни қайтариш ва режалаштирилаётган заемларнинг жадваллари;  
Қарздорликни қайтаришнинг жамлама жадвали.

#### **6.4. Пўл маблағларнинг оқимлари.**

Итьемолчилар томонидан шунингдек еткаўзиб берувчиларнинг фойдасига кутилаётган тўловлар кечиктирилишини ҳисобга олган ҳолда, йиллар бўйича

корхонанинг операцион, инвестицион ва молиявий фаолияти натижасида пўл маблағларнинг киримлари ва чиқимлари прогнози.

Молиявий фаолият туфайли пўлларнинг ҳаракатланиши қисмида, айланма капитални молиялаштириш учун олиниши режалаштирилаётган қисқа муддатли заемлар акс эттирилиши лозим.

## **6.5. Лойиҳа самарадолигининг кўрсатгичлари.**

Молиявий циклнинг ҳисоб-китоби (CashConversionCycle);

Соф келтирлган қиймат (NPV), даромадлиликнинг ички меъёри, сарфланган ҳаражатларни чиқаришни дисконтланган муддатининг (DPBP) ҳисоб қитоблари;

Лойиҳа даромадларнинг камайиши, ҳаражатларнинг купайишига сезгиригининг таҳлили.

## **7. Ижтимоий-иқтисодий қисм.**

### **7.1. Лойиҳани амалга оширишдан фойдалар.**

Янги яратилган иш жойларнинг сони, ҳар йиллик солик тўловларнинг миқдори, экспортдан олинадиган тушумларнинг ҳар йиллик режалаштирилаётган ҳажмлари ва бошқалар.

### **7.2. Иқтисодий ҳаражат ва фойдаларни таққослаш.**

## **8. Лойиҳа таваккалчиликлари.**

Лойиҳа таваккалчиликлари қуйидаги градация бўйича баҳоланади:

Паст,

Пастдан ўртагача,

Уртача,

Уртачадан юқоригача,

Юқори.

Таваккалчиликнинг ҳар бир тури бўйича таваккалчилик даражасининг асослантирилиши кетирилади, шунингдек таваккалчиликнинг айни тури бўйича бошқариш тадбирлари (камайтириш ва/ёки олдини олиш) кўрсатилади.

### **8.1. Тижорат таваккалчиликлар.**

Материаллар билан таъминланмаслик таваккалчилиги;

Маҳсулотларнинг ортиқча ишлаб чиқарилиши ёки уларни утказишга имкон йуқлиги таваккалчилиги;

Рақобатлик ўсишининг таваккалчилиги;

Корхонада маркетинг тизими билан боғлик таваккалчилик; Табиий хусусиятли ва хўжалик фаолияти жараёнида форс-мажор ҳолатларнинг вужудга келиши таваккалчилиги (авария, ёнғинлар); Энергия, ёрдамчи материаллар вабошқаларнинг нарҳи ошиб кетиши таваккалчилиги;

### **8.2. Техник таваккалчиликлар.**

Лойиҳани амалга ошириш учун танлаб олинган жойлашиш минтакаси ва майдочасининг лойиҳа эҳтиёжларига тўғри келмаслиги таваккалчилиги; Танлаб олинган ишлаб чиқариш технологияларнинг лойиҳа эҳтиёжларига ёки банк устуворликларига тўғри келмаслиги таваккалчилиги; Танлаб олинган ишлаб чиқариш технология жиҳозлар жамламасининг лойиҳа эҳтиёжларига ёки банк устуворликларига тўғри келмаслиги таваккалчилиги; Ходимларни тайёрлаш ва ўқитишида муаммоларнинг юзага келиши таваккалчилиги; Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашга ёндошувларнинг лойиҳа эҳтиёжларига, Банк талабларига ва меъёрий ҳужжаттарга тўғри келмаслиги таваккалчилиги; Мавжул ишлб чиқариш ва ёрдамчи бинолар, мухандислик коммуникацияларнинг лойиҳа эҳтиёжларига тўғри келмаслиги таваккалчилиги; Қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда пўл маблағлари ҳамда вақт бўйича қўшимча сарфланишлар пайдо бўлишининг таваккалчилиги; Лойиҳанинг атроф муҳитга кўрсатаётган таъсири билан боғлиқ қўшимча харажатлар ва муаммоларнинг юзага келиши таваккалчилиги; Бошқалар.

### **8.3. Лойиҳанинг ҳаридлар бўйича таваккалчиликлари.**

Ҳаридлар услубларнинг танланиши лойиҳа эҳтиёжларига тўғри келмаслик таваккалчилиги; Лойиҳа бўйича етказиб берувчиларнинг танланиши лойиҳа эҳтиёжларига тўғри келмаслик таваккалчилиги; Расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилишга тайёрланган битимларнинг лойиҳа эҳтиёжларига тўғри келмаслик таваккалчилиги; Ҳаридлар тартиблари ва аризачининг ҳаридлар билан шуғуллануви бўлинмаларининг, лойиҳани амалга ошириш учучн керакли талабларга тўғри келмаслиги таваккалчилиги; Ҳаридлар жадвалининг лойиҳани малага оширишнинг умумий схемасига тўғри келмаслиги таваккалчилиги; Бошқалар.

### **8.4. Молиявий таваккалчиликлар.**

Лойиҳа ўзини ўзи оқламаслиги/лойиҳа кўрсатгичларининг ёмонлашуви таваккалчилиги;  
Заемни қайтариб бериш бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги таваккалчилиги;  
Бошқалар.

### **8.5. Институционал таваккалчиликлар.**

Корхона менежменти малака даражасининг етишмовчилиги таваккалчилиги;  
Ишлаб чиқариш ходмларнинг етишмовчилиги таваккалчилиги;  
Ишлаб чиқариш ходимлардаг тажрибанинг йуқлиги ёки малаканинг пастлиги таваккалчилиги;  
Корхона ташкилий тузилмасининг ойдинсизлиги билан боғлик таваккалчилик;  
Бошқалар.

### **9. Таваккалчиликларни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар.**

Лойиҳани амалга ошириш доирасида яратилаётган активларнинг суғурталаниши;  
Гаров мулкини суғурталаш ва ҳоказо.

Изоҳ: ТИА шакл ва мазмун бўйича фарқланишлари мумкин. ТИА нинг шакли ва мазмуни буюртмачи, молиявий институтлар, экспертизани амалга оширувчи ташкилотлар томонидан қўйилаётган талбларга боғлик. Айрим ТИАларда алоҳида қисмлар амалга оширилиши ёки маълумотлар соддалашган шаклда берилиши мумкин. Шу боис ТИАни ишлаб чиқишдан олдин Буюртмачи ёки ТИА экспертизасини утказувчи ёхуд ТИА ким учун тайёрланса шу ташкилотларнинг талабларини ўрганиб чиқиш лозим.